

# АҲОЛИНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ТЎҒРИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ЁНДАШУВЛАР

*Миркамоллов О.О. Фавқулодда вазиятлар симуляция маркази бошлиғи*

**Аннотация:** мақолада фавқулодда вазият ва фавқулодда ҳолатлар ҳақида тушунча берилиб, бундай вазиятларда аҳолини тайёрлаш усуллари, хусусан, аҳолини тайёрлашга бўлган психологик, генетик, ҳарбий, социологик ёндошувлар таҳлил қилинган. Ушбу ёндошувларнинг аҳолини тайёрлашдаги аҳамияти ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** фавқулодда вазият, фавқулодда ҳолат, аҳолини тайёрлаш, психология, генетика, социология

**Аннотация:** в статье даны понятия о чрезвычайной ситуации, о чрезвычайном положении, анализированы такие подходы как психологические, генетические, военные, социологические. Освещены значение этих подходов при подготовке населения к действиям при ЧС.

**Ключевые слова:** чрезвычайная ситуация, чрезвычайное положение, подготовка населения, психология, генетика, социология

**Annotation:** the article gives the concept of an emergency, a state of emergency, analyzes such approaches as psychological, genetic, military, sociological. The importance of these approaches in preparing the population for actions in emergencies is highlighted.

**Key words:** emergency situation, state of emergency, population preparation, psychology, genetics, sociology

Фавқулодда вазият тури ва сони, улардан жабрланаётганлар сонининг ортиб бориши шароитида аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, уларнинг бу борадаги ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, фавқулодда вазият оқибатини бартараф этишдан кўра унинг олдини ҳар томонлама муҳим ҳисобланади. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, унинг оқибатларини камайтириш учун аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш, тўғри ҳаракат қилиш йўлларини ўргатиб боришни талаб қилади.

Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш, муҳофазаланиш борасида амалиётда мавжуд бир қатор қуйидаги таянч тушунчалар мавжуд бўлиб улар мазкур мавзунини моҳиятини тушуниш учун ёрдам беради.

**Фавқулодда ҳолат** — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқларига нисбатан ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган айрим чекловлар

белгилашга йўл қўядиган ҳамда уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклайдиган, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида вақтинча жорий қилинадиган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг алоҳида ҳуқуқий режими;

Фавқулодда ҳолат жорий этиш учун асос бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

Фавқулодда ҳолат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаётига, соғлиғига ва хавфсизлигига, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига ва (ёки) ҳудудий яхлитлигига бевосита таҳдид соладиган ҳамда фавқулодда чоралар қўлламасдан бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, алоҳида ҳолларда жорий этилади. Бундай ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

реал ташқи хавф, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ва (ёки) ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга уринишлар, оммавий тартибсизликлар, террорчилик ҳаракатлари, шунингдек зўравонлик ҳаракатлари билан бир вақтда юз берадиган, фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига ва хавфсизлигига, давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг кундалик фаолиятига бевосита таҳдид солувчи ўта муҳим ҳамда тоифаланган объектларни ёки айрим жойларни тўсиш ёки босиб олиш, қонунга хилоф қуроли тузилмаларни тайёрлаш (ташқил этиш) ва уларнинг фаолияти, миллатлараро, конфессиялараро ва чегаравий низолар;

кенг қамровли авария-қутқарув ишлари ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар амалга оширилишини талаб этадиган йирик ҳалокатлар, табиий офатлар, эпидемиялар ҳамда бошқа табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар, фавқулодда экологик вазиятлар [1].

Фавқулодда вазият — одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиғи ёки атроф-муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазият [2].

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш — олдиндан ўтказиладиган, фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса одамлар соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси.

Фуқаро муҳофазаси — ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, ҳудудларини, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларнинг давлат тизими, ҳалққа олиб, хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган аварияқутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар комплекси.

Фуқаро муҳофазаси хизмати — фуқаро муҳофазаси махсус тадбирларини бажариш, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатларини таъминлаш учун кучлар ва воситаларни тайёрлаш мақсадида тузилган функционал бўлинмалар мажмуи. Аҳолини тайёрлаш — Аҳолига фавқулодда вазиятларда ўзига ва ўзгаларга ёрдам кўрсатиш ҳамда ўз ҳаётини асраш йўлларини ўргатиш.

Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш ишларини тадқиқ этиш жараёнида унга таъсир кўрсатадиган омилларни назарий жиҳатдан аниқлаш ҳамда профилактика асосларини ишлаб чиқиш учун муаммога доир бир қатор ёндашувларни таҳлил этиш лозим.

Жумладан, **психологик ёндашув** доирасида шахс ва унинг хулқ-атвори масаласини ўрганиш назарда тутилади. Масалан, Э. Фромм ўзининг —Гуманистик психоанализ концепциясидан келиб чиқиб, З. Фрейд қарашларидан фарқли равишда —инсон психикаси ва хулқ-атвори ўртасидаги ўзаро уйғунлик ижтимоий хусусиятга эга деб ҳисоблайди. Аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш ижтимоий хусусият касб этади. Шунинг учун аҳоли менталитетининг, улар яшайдиган ижтимоий муҳитнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Бунда эҳтиёж, манфаат ва талаб каби омилларнинг иштироки фаолият йўналишини таъминлайди. Бу ёндашув ханузгача ўзининг долзарблигини йўқотмаган [5].

**Генетик ёндашув** асосида шаклланган назария вакилларида Прайс, Уиткин инсон жинсий хромосомаларидаги хоссалар улар хулқининг сабаби эканлиги ҳақидаги фикрни илгари суришган бўлсаларда, таълим ва тарбия ижтимоий ҳодиса ҳисобланиши, инсонга таълимий таъсир кўрсатиб унинг камолотини таъминлаш мумкинлиги аниқланган. Бу эса фавқулодда вазиятларга тайёрлаш тадбирларини таълим бериш жараёнида олиб бориш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.

**Ҳарбий ёндашув** тушунчасига тўхталадиган бўлсак, у ўз мазмунига кўра тинчлик даврида аскарларнинг мамлакат хавфсизлигига ҳарбий таҳдид ва хуружлар бўлган ҳолларга тайёр туришларини, тезкорлик билан хужумларни бартараф этиш, шу билан бирга, шахсий таркиб, курол-яроғ, қисқа муддатда ҳаракатланишни ўз ичига олади. Мазкур тадбирлар бугунги глобаллашув жараёнида ҳарбий агрессия ҳаракатларининг шакли ва тактикаси тубдан ўзгариб бораётган бир давр оралиғини чуқур таҳлил этиш натижасида, кейинчалик мамлакат фуқароларининг тинчлиги ва оқолини таъминлашда, муҳофаага кўмак сифатида олиб борилади.

Тинчлик даврида фуқароларни мамлакат хавфсизлигига ҳарбий таҳдид ва хуружлар бўлган ҳолларга тайёрлаш тизимли тадбирлар мажмуаси саналади. Фуқароларни тайёрлаш тартиби давлат тасарруфида бўлган йирик завод ва ташкилотлар, хусусий ташкилот ва фирмалар, фермер хўжаликлари, олий, ўрта-махсус ва ўрта таълим муассасаларида белгиланган дастур асосида олиб борилади.

**Социологик ёндашув** Э. Дюркгейм томонидан илгари сурилган бўлиб, унингча хулқ намоён бўлишининг асосий сабабларидан бири бу —ижтимоий аномия ҳодисасидир. Э. Дюркгейм масалага оғиш, яъни меъёрдан чиқиш

назари билан ёндашганлиги учун бу ёндашув ижтимоий мазмун касб этмаган [6].

Шунингдек, жамиятнинг ижтимоий маданий соҳасида ижтимоий институтларнинг ўрни катта ҳисобланади. Бу борада нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг роли юқорироқ. Мазкур нодавлат нотижоат ташкилотлардан аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин. Чунки улар орқали аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш борасида давлат ташкилотлари томонидан қамраб олинмаган аҳоли қатламларини қамраб олиш мумкин.

Жумладан, кўшни Қозоғистон Республикасида аҳолини зилзила вақтида ҳаракат қилишда нодавлат секторлардан унумли фойдаланилади. Хусусан, Қозоғистон —Қизил ярим ой жамияти томонидан зилзила вақтида тўғри ҳаракат қилишга ўргатувчи ўқув курслар, тренинглар ташкил этилиб, зилзила вақтида оилавий эвакуация режасини тузиш, уй ичидаги хавфсиз жойларни аниқлаш, бинодан хавфсиз ҳудудга чиқиш қоидалари амалий машғулотлар орқали ўргатилмоқда.

Бундан ташқари, Д. Маккинтернинг—Фавқулодда вазиятларни бошқариш назариясига кўра фавқулодда вазиятларни бошқариш мумкин. Фавқулодда вазиятларни бошқаришда уни мониторинг қилиш, тадқиқотлар ўқитишдан ташқари аҳолини тайёрлашнинг аҳамияти катта эканлигини айтиб ўтган [3].

Яна бир тадқиқотчи Г. Крепс томонидан эса —Даволанишга бир қанча пул сарфлагандан кўра, уни олдини олиш учун ундан бир неча баробар кам пул сарфлаган яхшироқ - деган фикр билдирилган [4]. Унинг фикрига кўра, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини камайтириш учун уни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш ва энг асосийси аҳоли тайёргарлигини ошириш муҳим саналган. Бу орқали фуқароларнинг ҳаётини асраб қолиш, уларнинг мол-мулкларига етказиладиган зарарларни камайтириш мумкин деб ҳисоблаган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир содир бўлган ФВ инсонларнинг қурбон бўлиши, уларнинг соғлиги ёки атроф-муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқариши ҳамда инсонлар ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин. Инсонларнинг ФВларга дучор бўлмасликлари, содир бўлган тақдирда эса тўғри ҳаракат қила олиш кўникмаларини шакллантириш устувор вазифа ҳисобланади. Шунинг учун тарғибот ва ташвиқот ишларини янада такомиллаштириш ФВлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса одамлар соғлигини сақлаш, атроф-муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга катта таъсир кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрдаги “Фавқулодда ҳолат тўғрисида” конституциявий қонуни

2. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги —”Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
3. Маккинтер Д.А. —Disaster Response and Recovery: Strategies and Tactics for Resiliencell 2006. –С 3-4.
4. David A. McEntire. Emergency Administration and Planning. Department of Public Administration. University of North Texas. Emmitsburg. 2004.
5. <https://psylogik.ru/238-jerih-fromm.html>
6. <https://zaochnik.com/spravochnik/sotsiologija/istorija-sotsiologii/sotsiologizm-e-djurkgejma/>.